



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2017 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуроли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2017 йилнинг феврал-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервига бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 декабр

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуху Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сизга шу муносабат билан ўз номимдан, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан энг эзгу тилакларимни билдираман. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг умумий манфаати йўлида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ислом ҳамжамиятига хизмат қилиш ва бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга тайёр эканимизни тасдиқлайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сийҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига улкан муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуху Жаноби Олийлари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз муносабати билан ўзининг самимий табрикларимни йўллаш менга беҳад мамнуният бағишлайди.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман, келажақда дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига умид қиламан.

Эзгу тилаклар билан,

Ҳожи Ҳасанал БОЛКИЯҲ,
Бруней Доруссалом Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли галаба қозонганингиз ва Президент этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-истагини билдиргани сизнинг ислохотлар изчиллигини таъминлаш, ривожланган иқтисодий принципларини давом эттириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган фаолиятингизни кенг қўллаб-қувватлаганидан далолатдир.

Сизнинг фаолиятингиз давомида Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама ривожланишига аминман.

Сизга масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Николае ТИМОФТИ,
Молдова Республикаси Президенти

(2).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Иқтисодий салоҳият — барқарор фаолият

Фаргона вилояти Марғилон шаҳрида 2015 йили фаолият бошлаган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Ехро color prin teks» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида тайёрланаётган ип-калава маҳсулотлари Польша, Хитой, Туркия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.



Йилига 3 минг 600 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Бу ерда меҳнат қилаётган 200 га яқин ишчи-ҳодимнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир. Хитой ва Польша давлатларида қўшма корхонанинг савдо уйлари очилган.

Ўза фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ахборот

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига янги раис сайланди

Жорий йил 20 декабр куни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдан ташқари Мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аъзолари, Федерация аппарати-нинг масъул ходимлари, тармоқ касба уюшма Республика кенгашлари ҳамда ҳудудий касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари иштирок этди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Танзила Нарбаева олиб борди.

Унда ташкилий масала кўрилди. 2010 йил 21 декабрдан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси лавозимига ишлаб келаётган Танзила Нарбаева 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлангани муносабати билан «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ Бош ди-

ректори лавозимига ишлаб келаётган Қудратилла Рафиқов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси этиб сайланди.

Қудратилла Рафиқов меҳнат фаолияти давомида қатор давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1993 — 1998 йилларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари, 1998 йилдан 2003 йилгача Жиззах вилояти касба уюшмалари кенгаши раиси лавозимига фаолият кўрсатган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Даврон Назармуҳаммедов иштирок этди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

Ифтихор

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медал соҳиби Ҳасанбой Дўсма-тов Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) томонидан «Йилнинг энг яхши боксчиси» соврини билан тақдирланди.

Ҳасанбой Дўсма-товга «Йилнинг энг яхши боксчиси» соврини топширилди

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлод-ни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистонда кўплаб спорт турлари каби бокс ҳам жадал ривожланаётир. Бугунги кунда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақаларига — Олимпия ва Осий ўйин-лари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори на-тижаларни кўлга киритиб, ҳеч кимдан кам эмаслик-ларини ва кам бўлмасликларини исботламоқда.

2016 йилги спорт мавсуми боксчиларимиз учун галабаларга бой бўлди. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйин-ларида боксчиларимизнинг тажриба ва маҳоратига дунё тан берди. Улар мазкур нуфузли мусобақада 3 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медални кўлга киритди.

Вазни 49 килограммгача бўлган чарм кўлик уст-талари ўртасидаги беллашуларда Ҳасанбой Дўсма-тов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига даст-лабки олтин медални келтирган эди. У ўзбек бокс-чилари орасида биринчи бўлиб Олимпиаданинг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоги билан тақдирланди.

Яқинда Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциация-си томонидан йилнинг энг яхши боксчисини аниқ-лаш мақсадида ўтказилган суровномада ўзбек ўғлини Ҳасанбой Дўсма-тов энг кўп овоз тўплаб, ку-балик Робейси Рамирес ва қозғистонлик Дониёр Елеусиновни катта фарқ билан ортада қолдирди.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро ҳавас-кор боксчилар ассоциацияси Ижроия қўмитаси йи-ғилиши ва AIBAнинг 70 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ҳасанбой Дўсма-товга 2016 йил яқунларида кўра, «Йилнинг энг яхши боксчиси» соврини топширилди.

Ж.ТОШҲУҲАЕВ,
Ўза мухбири

Медиамулоқот

Устувор вазифалар муҳокамаси

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Медиавоқелик: Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида янги медиа форматлар» мавзусида медиа-форум ташкил этилди.

Унда мамлакатда 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган ҳамда кейинги беш йилликда инсон манфаати ҳар нарсдан улуг, деган эзгу гоия изчил давом эттириш белгилаб қўйилган жамоат ташкилотлари, хусусан, давлат ва жамият ўрта-сидаги кўприк ҳисобланган омма-вий ахборот воситалари олди-га муҳим вазифаларни қўйиши қайд этилди.

Жорий йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус, шубҳасиз,

мамлакатда сўз эркинлигининг таъминланишини янги босқичга олиб чиқади. Шунингдек, медиа соҳасининг янада ривожланиши, кўли фуқаролик жамияти куриш йўлида ОАВнинг халқ билан очик мулоқотни ўрнатиш бўйича самарали фаолиятни йўлга қўйиши, олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшларга етказиш, қонун лойиҳа-ларини муҳоама қилиш мақсади-да халқаро стандартларга мос медиа майдон, янги форматлар, му-лоқотлар платформаларини иш-лаб чиқиши тақозо этади.

Тадбирда турли жанрларда медиа-маҳсулотлар тайёрлаш ор-қали давлат ва жамият ўртасида-


ги мулоқотни таъминлашнинг янги усуллари, бунда нодавлат электрон ОАВ томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолияти-нинг очиклиги, инсон манфаатла-рини таъминлашга қаратилган медиа-контент яратиш борасида фикрлар билдирилди. Жумладан, кенг жамоатчилик, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайло-ви жараёнларини кузатиш учун ташриф буюрган халқаро кузатув-чиларнинг ҳам юқори баҳосига сазовор бўлган Press klub фао-лиятини домий йўлга қўйиш, шу билан бирга, халқ билан муло-қотни таъминлашда тезкорлик ва замонвийликка эришишда инно-вацион усуллардан фойдаланиш, мультимедиа майдонларини таш-кил қилиш масалалари, давлат ва жамият муносабатлари шаффо-лигини таъминлашда мустақил босма ОАВ олдида турган вази-фалар муҳоама қилинди.

Ўз мухбиримиз



Эҳтиромга
муносиб

>> 2



Оила,
интернет ва
маданият

>> 3

БУГУННИНГ НАФАСИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

№(1).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Исроил ҳукумати номидан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Сизга мамлакатингизни тараққиёт ва фаровонлик йўлида янада ривожлантиришда улкан муваффақиятлар тийлайман.

Исроил ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланишига ишонаман. Сизни ўзингизга қулай вақтда Исроилга ташриф билан келишга таклиф этаман. Ташрифингиз давомида Қуддус шаҳрида Сизни қутлаш ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш иштиқболларини муҳокама қилиш менга мамнуният бағишлайди.

Хурмат билан,

Биньямин НЕТАНЬЯХУ,
Исроил Давлати Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклагга ружат бергайсиз.

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Рауль КАСТРО РУС,
Куба Республикаси
Давлат Кенгаши ва Вазирлар
Кенгашининг Раиси

Шунингдек, қуйдагилар ўз қутловларини йўлаган:

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири, мудофаа вазири — **Хани ал-Мулки**
Европарламент депутаты, «Европа Иттифоқи — Ўзбекистон» парламент ҳамкорлиги бўйича делегация раҳбари ўринбосари — **Улрике Мюллер**
«Эйрбас Хеликоптерс» компаниясининг катта вице-президенти, Европа бўйича раҳбари — **Оливьер Мишалон**
Япония Демократик партияси президенти, Парламент маслаҳатчилар палатаси депутаты — **Ренхо**
«Комейто» партияси президенти (Япония) — **Нацуо Ямагучи**
«НЕК» корпорацияси директорлар кенгаши раиси — **Нобухиро Эндо**
«Инжиниринг Доберсек» компанияси бош директори — **Инг Альбин Доберсек**
Швейцариянинг «Юрэйжа хат» тиббиёт фонди президенти — **Паул Фогт**
«АМКОДОР» холдинги директорлар кенгаши раиси — **Александр Шакутин**
Қутловлар келиши давом этмоқда.

Тадбиркорга қанот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тадбиркор ва фермерлар фаолиятини янада мустаҳкамлашга, уларни эркин иш юритишларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги мулкдор — эртанинг ишончи ва таянчи!

Фармонга мувофиқ Урганч шаҳрида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Биз бевосита тадбиркорлар манфаатларини ифодаловчи тармоқ касба уюшмаси вакиллари сифатида ушбу фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари масъул ходимларига кенг тушунтириш ва тарғиб этиш мақсадида турли учрашув ва давра суҳбатлари уюштирдик.

Касба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган учрашуларга тижорат банкларининг вакиллари таклиф этилиб, улар томонидан йилгиланларга шаҳар ҳудудида тадбиркорликнинг турли йўналишлари — маъшиий хизмат кўрсатиши, умумий оқватланиш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда микрокредитлардан фойдаланиш низоҳатда самарали эканлиги тушунтирилди.

Урганч шаҳрини 2016 — 2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2016 йил давомида 35,0 млрд. сўмлик 131 та лойиҳа амалга оширилиб, 832 та янги иш ўрни яратилган. Хусусан, саноат йўналишида 11,6 млрд. сўмлик 29 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 17,1 млрд. сўмлик 80 та ҳамда қишлоқ ҳўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида 6,3 млрд. сўмлик 22 та лойиҳа амалга оширилган. 2016 йил 1 октябр ҳолатига 278 та кичик бизнес субъекти янгидан ташкил этилган. Худудий дастурга киритилган корхоналар томонидан ҳисобот даврида 2,5 млн. долларлик махсулот экспорт қилинган. Президентимизнинг ушбу фармонидан кейин тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлар туфайли юқоридаги кўрсаткичларнинг янада ошиши кутилмоқда. Жумладан, «Металл силвер стар» МЧЖ томонидан йилга 7,6 млрд. сўмлик 2 минг тонна металл прокат ва кувурлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлса, «SPLASH FOOD URGANCH» корхонаси томонидан 750 млн. сўмлик сув тортиш ускуналари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Мамлакатимизда биз тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг шароит яратилган. Ундан оқилона фойдаланиш ва ўз вазифасига виждонан ёндашиш тадбиркордан катта масъулият талаб қилади, — дейди «SPLASH FOOD URGANCH» МЧЖ иш юритувчиси И. Болтаев. — Ушбу ҳуқуқий ҳужжат эса сўнгги йилларда мамлакатда тадбиркорларга яратилган шароитларнинг антиқий давоми бўлди. Шу боис бизнинг корхонамиз давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятларга жавобан 2017 йилда корхона фаолиятини янада кенгайтириб, янги турдаги махсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш баробарида, ўз махсулотларимизни хорижга экспорт қилмоқчимиз.

Хорижий давлатларга махсулотларини экспорт этувчи тадбиркорлар учун катта имкониятлардан бири бу экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун сертификат олган аризагача бир иш кунни мобайнида бериладиган бўлганидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг инвестициявий жойбардорлигини ошириш каби қатор масалалар, албатта, қулай меҳнат шароитлари яратилиши ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари таъминланишига ҳам хизмат қилади.

Фозилбек БОЛТАЕВ,

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

Муносабат

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан келаётган йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилингани касба уюшмалари учун айна мудоа бўлди. Бошқача айтганда, 2017 йил касба уюшмалари, умуман, барча жамоат ташкилотлари йили бўлади. Зеро, ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фуқароларнинг турли катламлари манфаатларини ҳимоя қилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб боради.

Ҳар бир мурожаат — эътиборда

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида ҳам ходимлар, тадбиркорлар ва аҳолининг бошқа қатламлари билан мулоқот қилиш, уларнинг хоши-истакларини эшитиш ва вақолат доирасида кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Муайян масала юзасидан Федерацияга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар билан мукамал қайта алоқа тизими орқали доимий мулоқотда бўлинади.

Федерация Кенгаши қошида Юридик клиника ташкил қилинган бўлиб, тўртта — ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот-тарғибот, ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Иш жараёнига юридик соҳада тахсил олаётган 30 нафар кўнгилчи талаба ва касб-хунар коллежи ўқувчилари, 15 нафар касба уюшмалари ҳуқуқшуносларидан иборат мураббийлар, 41 нафар амалиётчи, профессор-ўқитувчилар ва таниқли олимлар эксперт тартиқасида жалб этилган. Жорий



йилнинг ўтган даври мобайнида Касба уюшмаларига 7496 та мурожаат келиб тушди. Шундан 2500 га яқини «Ишонч телефони», 536 таси эса интернет тармоғида ташкил қилинган махсус саҳифа орқали қабул қилинди. Уларнинг барчасига қонун доирасида тегишли жавоб берилди. Касба уюшмаси аралашуви талаб этиладиган ҳолатлар юзасидан ЎзҚУФК юридик бўлими томонидан кўриб чиқилди. 4500 нафар мурожаатчига тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 1400 нафарга яқини қаноатлантирилди. 71 та ҳолатда эса фуқароларнинг ҳуқуқлари судлар орқали тикланди. Қатор мурожаатлар тегишлилиги юза-

Ўқув-семинар

Кун тартибида меҳнат муҳофазаси

Бухоро шаҳридаги «Шохруд» АЖда Агрисаноат мажмуи ходимлари касба уюшма ташкилотлари раислари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси муҳандислари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди. Унда асосий эътибор янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятига қаратилди.

Янги тахрирдаги Қонун мавжуд қонунлар ва халқаро меъёрий талабларга мувофиқлаштирилди ҳамда меҳ-

наткашлар манфаатига хизмат қилувчи янги нормалар киритилди. Тармоқ касба уюшмаси

Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Абдусалом Раҳмонов, «Узвинсаноат-холдинг» компанияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Бекзод Фозиев, вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи Бўстон Жумаев, «Шохруд» АЖ меҳнатни муҳофаза қилиш му-

Меҳнат жамоаларида

Касба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш ўринлари шунчалик хавф-хатарсиз бўлади. Бу фикрга яна шунини қўшимча қилиш мумкинки, касба уюшмасининг меҳнат муҳофазаси вакиллари билан муносабат ҳамкорлиги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш томон ташланган муҳим кадам ҳисобланади. Шундагина ишда натижа бўлади, самарадан кўнгил тўлади.

Ходим ҳимояси йўлида

— 2010 йилдан бери Наманган шаҳар обodonлаштириш бошқармаси техника хавфсизлиги муҳандиси вазифасида ишлаб келмоқдаман — дейди Абдулатиф Абдулаттаев. — Жорий йилда меҳнат муҳофазаси йўналишига корхонамиз томонидан 39 млн. 700 минг сўм пул ажратилди. Ходимларимизга гамхўрлик ва ҳимоялашнинг биринчи босқичини меҳнат муҳофазаси учун зарур воситалар, шу жумладан, иш кийимлари сотиб олишдан бошлаймиз. Ишга қираётган ҳар бир фуқаро дастлабки, ходимлар эса даврий йўриқномадан ўтказилиши доимий назоратимизда. Шунингдек, ҳар чоракда меҳнат муҳофазаси бўйича ходимнинг билими синовдан ўтказилади. Тизимли ишлар самараси ўлароқ ходимлар шикастланиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмапти.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ҳамкасблар эътирофи

Эҳтиромга муносиб



«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Нигорам Исмоилова ўзининг саяб-ҳаракати, билими, интилиши, шижоати билан эътирофга сазовор бўлган инсонлардан.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида таваллуд топган Н.Исмоилова мактабда аъло баҳоларга ўқиди. У синфдошлари орасида кизиқувчанлиги, ҳаракатчанлиги, ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб турарди. Ундаги қизиқиш сабаб, Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг иқтисодий-ташкilotчи мутахассислигини тамомлади. Кўп йиллар газ соҳасида ҳисобчи-тафтишчи, бош ҳисобчи муовини ҳамда бош ҳисобчи вазифаларида фаолият юритди. 2009 йилдан ҳозирги кунга қадар эса «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

У 34 та филиал, 6 минг нафардан ортиқ касба уюшма аъзоси бор корхона ишчи-ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш, соғлом меҳнат шароитларини яратиш, дам олиш вақтларини мазмунли ташкил этиш, аъзолар ҳамда уларнинг фарзандларини

соғломлаштириши фаолиятининг асосий мезони деб билади. Нигорам Исмоиловани ўзига талабчанлиги, меҳнатсеварлиги, ҳар бир ходимга алоҳида эътибори, ташкилотчилиги, мақсадга эришишда қатъиятчилиги жамоамизда катта ҳурмат-эътибор қозонган. Ҳар йили 300-400 нафардан ортиқ ходим республикамиздаги санаторийларда соғлигини тиклаб, дам олиш уйларида оила аъзолари билан мароқли хордиқ чиқаришди. Корхона тасарруфидоги «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ишчи-ходимларимизнинг 1200 нафарга яқин фарзанди мазмунли дам олади. Буларнинг барчаси маъмурият билан бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритаётган касба уюшма раисининг саяб-ҳаракатлари махсулидир.

Нигорам опа кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳозирги кунда ҳам ёш мутахассис ва ишчи-ходимларга амалий ёрдам кўрсатиб, кўлаб-қувватлаб келмоқда. Бундан ташқари, у кишининг ташаббуси билан цех касба уюшма кўмитаси раислари учун ўқув-семинарлар, корхона ходимларининг

бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кўрик-танловлар, спорт ва маданий-маърифий тадбирлар уюштириб, кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат махсулотлари, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларга компьютер жамламалари, эшитиш мосламалари, ногиронлар аравачалари олиб берилади. Нигорам опа амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш баробарида, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат соҳасидаги манфаатларини ҳимоялаш, касба уюшмаларининг республика микросида нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Айтиш жоизки, «Тошкентгазтаъминот» УК тасарруфидоги «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳи таъмирдан қарилиб, у ерда қўшимча ётоқхоналар, замонавий ошхона, маънавий ва маърифат хонаси ҳамда бошқа қурилиш ишлари амалга оширилди. Болаларнинг мириқиб дам олиши учун янада қулай шарт-шароит яратилди. Бу ишга ҳам Нигорам опа бош-қош бўлди.

Корхона ишчи-ходимларининг саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, уларни спортга кенгроқ жалб қилиш мақсадида ҳар йили турли мусобақалар, спартакиадалар ўтказилади. Барча цех касба уюшма ташкилотлари раҳбар ва фаоллари учун йилда бир марта амалий ўқув-семинар машғулотлари ташкил қилинади. Қилинган меҳнат ўз самарасини топмай қолмайди, деганларидек, корхона касба уюшма кўмитаси бир неча йилдан буён тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич касба уюшма ташкилоти», меҳнат муҳофазаси бўйича ва бошқа кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти.

Нигорам опа учун бу йил янада омадли, эсда қорлари бўлди. Қилган ишлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб эътироф этилиб, Федерация Кенгашининг «Ehtimom nishoni»га лойиқ қўрилди.

— Мукофот мени қанчалик руҳлантирган бўлса, зиммамга шунча масъулият юклайди. Негаки, у менинг касба уюшмалари тизимидаги фаолиятимга кўрсатилган эҳтиром белгисидир, — дейди опа тўлқинланиб.

Биз ҳам Нигорам Исмоиловага мукофот муборак, ютуқлар бардавом бўлсин, дея тилак билдириб қоламиз!

Собиржон МУСАЕВ,
«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси касба уюшма кўмитаси етакчи мутахассиси

Семинар

«Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Жомбой туманидаги 10-болалар мусика ва санъат мактабидо ҳам бошланғич касба уюшма ташкилотлари етакчилари, иш берувчилар иштирокида мазкур қонунни ўрганишга доир ўқув-семинар ташкил этилди. Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассислари жорий йилда бевосита соҳага дахлдор қонунчиликка киритилган ўзгартишлар ҳақида маълумот беришди. Шу билан бирга, янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясининг ратификация қилинишининг аҳамияти чуқур очиб берилди.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Зулфия ОТАМУРОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Жомбой туман кенгаши раиси

Қонунлар моҳиятига бағишланган

Хушнуд ХУДОЙБЕРДИЕВ
ЎзҚУФ қошидаги
Юридик клиника
координатори

ҳандиси Зубайда Жўраева, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Хайитбек Барноев мазкур масалага доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Семинар якунида кун тартибидоги масала юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари «Шохруд» АЖда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. **Иззатулла ХОЖИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ОИЛА, ИНТЕРНЕТ ВА МАДАНИЯТ



Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Фаразли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан



Тарбия ўчоғи ҳисобланмиш оила мустаҳкамлигини таъминлашга барчамиз бурчлимиз. Айниқса, Фарбдан кириб келаётган турли салбий таъсирлар хавфли тус олаётган бугунги кунда бу масалага бефарқ қараб бўлмайди. Айтиш жоизки, виртуал дунё — интернетнинг ёшларимиз орасида оммалашиб кетиши эса вазиятни янада чигаллаштираёттир. Шу боис оилада тарбия ва маданият масалалари долзарб аҳамият касб этиб бораётти.

Тарбия қўрғонини асрайлик

Халқимизда «Кўш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Дарҳақиқат, кўчада, жамоат жойида ўзини тутгани билмайдиган кимсалар яхши муҳитда тарбия топмаган бўлишади. Демак, оиладаги тарбиянинг бевосита жамият ҳаётига таъсири катта экан.

Инсоният тарихининг барча босқичида Аллоҳ талоо ўзи юборган пайғамбарлари орқали оиланинг мустаҳкам бўлиши учун ҳар қайси даврга мувофиқ ниҳом ва қонунлар жорий қилган.

Оила — муқаддас даргоҳ. Биргина шу «муқаддас» сўзининг оилага нисбатан ишлатилишида чуқур маъно мужассам. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйлади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади, миллий маданият, урф-одат, ахлоқий-маънавий қадриятлар асраб-авайланади. Жамиятнинг иқтисодий ва маданий юксалишига асос солинади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, биз кўзлаган мақсадларга эришишда ҳаётимизнинг таяничи ва суянчига айланган оиланинг ўрни бе-

нихоя каттадир. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг асосий фазилатлари фарзандлар камоли, уларнинг бахту саодати йўлида ғамхўрлик қилишда кўпроқ намойён бўлади. Шундай экан, оилаларимизда фарзанд тарбиясига бениҳоя кучли аҳамият қаратмоғимиз даркор. Муқаддас динимиз ҳам бизни шунга даъват этади.

Аллоҳ таоло Таҳрим сурасининг олтинчи ояти каримасида қуйидагича марҳамат қилади: «Эй иймон келтирганлар, ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ёқилгиси одамлар ва тошлардан иборат дўзах оловидан сақлангиз!». Ушбу ояти карима мазмуни ҳам оила соҳибини ўз қарамоғидегилар тарбиясига масъул эканлигини англатади.

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ, Юнусобод тумани бош имом-хатиби

Болангизга алла айтинг, оналар!

Қишлоқда тонг бошқача отади. Уйқудан тургунимизча онам сутли патир қилиб, ўртасига қуёш парчасидай сариёғни солиб қўяди. Нонуштадан сўнг, ҳамма ишга шўнғийди.

— Қизим, бугун Насиба келиноингга ёрдамлаш, эгизак фарзанди бор. Барака топгур, гилам ювман деганди. Раҳматли қайнонаси бўлганида икки неварасини икки қанотиға олиб ўтирарди, — деди онам менга. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, қўшнингига йўл олдим.

— Вой, талаба қиз келибди-да, сизни уринтириб қўймайми, опаси. Укаларингиз бир иш қилдиргани қўймайди. Унисига қарасам, буниси йиғлайди. Яхшиям, дадасининг қўл телефонини олиб қоладиган бўлдим. Шунга овуниб туришди, — дея келиноий ҳовлига гиламларни ёза бошлади.

— Юрагимдан нимадир узилгандай бўлди. Она меҳридан баҳра олмади, вақтини виртуал оламда ўтказиб олган болаларнинг ахлоли эртага нима кечаркин, деб ўйлай бошладим. Пешингача гиламларни ювдим. Меннинг ҳаёлим эса болаларда эди.

— Насиба келиноий, сиз болаларга қаранг, қолганини ўзим тугатиб қўяман, — дедим ийманибгина. Келиноий уйга кириб кетди-ю, хурсанд кайфиятда қайтиб чиқди:

— Барака топсин, «Наво» телеканалиям. Тинимсиз қўшиқ қўяди. Зухранинг бешиги билан телевизор ёнига қўйганим, эшитиб ухлаб қолибди. Хасанжон-ку телефонни бермайди. Ёстигининг тағига қўйиб қўяман, — деди қойилмақом иш қилиб қўйгандай.

Эҳ, оналар, оналар! Болага меҳрингиз она алласи билан сингизини билмайсизми? Келажак эгалари бўлган бу мурғак гўдаклар тарбиясини нега техникага топшириб қўясиз? Фарзандингизни билим-



ли, доно ва меҳрибон қилиб ўстирмоқ ниятингиз борми, унда БОЛАНГИЗГА АЛЛА АЙТИНГ, ОНАЛАР!

Кумуш ҲАМРОЕВА, Жиззах

Ҳар бир инсон ниманидир яхши кўради, кимгадир ўхшагиси келади. Оддий қилиб айтганда, ҳар кимнинг ўз «хобби»си бўлади. Бу ҳол ўсимирлар орасида кўпроқ кузатилади. Дейлик, айрим тенгдошларимиз гуллар, уйлар, машина ва таниқли киноолдузлар суратини йиғиб юришади, ўзларини «фанат» ҳисоблашади. Аммо яқинларига, дўстларига нисбатан меҳр-муҳаббат кўрсатишдек харажат, вақт ва ўрганиш талаб қилмайдиган фазилатни ўзларига «юктиргиси» келмайди.

Ноодатий «ФАНАТ»лик

Яқин бир дугонам бўларди. Нима бўлди-ю, у биздан, курсдош дугоналаридан ўзини узоқ тута бошлади. Ҳар бир қиз келажакда орасидаги хонадон бекаси, фарзандларининг меҳрибон онаси бўлишни ният қилади.

Дугонамиз эса бундай орзулардан анча йироқда эди. Аввалга, биз бу ҳолни бор эътиборини ўқишга қаратганига йўйди. Аммо унинг фикр-қарашини бутунлай бошқача эди: кичкинотларнинг ёмон томони йўқ. Аммо бунини фанатлик даражасига чиқариш ортиқчасмикин?.. Бу каби ноодатий қизиқишлар ёшларда қаредан пайдо бўлаётми? Техника ва технологиялар ривожланган даврда яшаймиз. Ҳаммининг қўлида уяли алоқа воситаси. Хушёр бўлмасак, виртуал оламдаги турли, енг остидаги тарғиботлар юқоридаги каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Асалнинг ҳам ози ширин, деганларидек, ҳар нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Шундай экан, ҳаётда дуч келадиган ҳар бир нарсанга озгина мулоҳаза билан ёндашсак, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

Мамура ХўЖАҚУЛОВА, Навоий

Кўзгудаги биз

Яқинда 70 ёшни қоралаб қолган бувим шаҳарга биздан хабар олгани келди. Бувимни шаҳар айлантиргани олиб чиқдик. Хибонлардан бирида айланиб юрарканмиз, у киши:



— Бу шаҳарнинг қизлари роса дангасами дейман-а? — деб қолди.

Хайрон бўлганимизни сезиб, йўлнинг нариги тарафига турган қизни кўрсатди: — Шимининг тиззаси йиртилибди. Кофтаси ҳам анча эскирганга ўхшайди. Шунини тикиб олиш қийинми? Бечора ночорроқ десам, унақага ўхшамайди. Тақиб олган тақинчоқларининг пулига ўнга чиройли қўйлак сотиб олса бўлади. Онаси ҳам жуда безъэтибор экан-да, қизини шу аҳволда кўчага чиқишига қандай рухсат берди экан?

Бувимнинг гаплари маъна қилиб қулишимизга баҳона бўлди. Аммо бу аслида қулғили ҳолатми? Баъзи ёшлар шу даражадаги либосларни кийишадими, бир қарашда цирк масхарабози, деб ўйлайсиз. Ҳатто, олий ўқув юрларида ҳам бундай манзарага дуч келамиз. Ҳар кун ўқишга борганимда баъзи та-

лабаларнинг ўзига ярашмаган, бачкана либосда дарсга кириб келганини кўриб ўйланиб қоламан. Ахир, бизни бошқалардан фарқлаб кўрсатадиган, талаба эканлигини билдириб турадиган нарсалардан бири либосимиз-ку. Кўчада, уйда ва ўқишда қиядиган эгни-бошимиз оилада қандай тарбия олаётганимиздан сўйлайди.

Ташқи кўриниш, айтаётган ҳар бир сўзимиз четдан кўзатганда турлича таассурот уйғотади. Шу сабабдан «мода» экан, деб ҳар қандай нарсани кийиб кетаверингиз ярамайди. Ён-атрофимизда ёки интернет оламида тавсия этилаётган «мода»лардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Мухими, либосимиз ўзимизга ярашиб турсин. Ахир, сингилларимиз, укаларимиз биздан ўрнак олишади.

Мафтуна ВАЛИЕВА, Қашқадарь

Юқумли иматлар касри

Чекиш оқибатида турли касалликлар вужудга келади. Маълумотларга кўра, олдинлари юқумли касалликлар кўп бўлган бўлса, ҳозирда юқумсиз касалликлар сонини ортиб бормоқда. Жумладан, юрак қон-томир касалликларига сигарет чекиши ҳам сабаб бўларкан.

Ҳар гал дарсдан қайтаётганимда кўчада сигарет чекиб турган одамларга кўзим тушади. Уларнинг ёнидан бурнини қўли билан беркитиб ҳолда ўтиб кетаман. Ачинарлиси, чекаётганлар орасида қизларимизнинг ҳам борлигидир. Улар бўлажак она-ку. Наҳотки, носоголом фарзандни дунёга келтиришни исташса. Маълумотларга кўра, дунёда 1,3 млрд. инсон чекади. Шундан 1,1 млрд.и эркеклар, 230 млн.и аёллар экан.

Тамаки тутуни таркибидagi никотин инсон руҳиятига вақтинчалик хотиржамлик келтиради. Бу эса инсонни яна шу заҳарни қабул қилишга ундайди. Гўёки бу стресс ҳолатидан чиқишга ёрдам беради. Ахир, тиббиётда стрессда чекилсин дейилмаган-ку.

Моҳирўза САИДОВА, Сурхондарь

Баркамол авлоднинг унинг-ўсишида яхши тарбия муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ёшларнинг оммавий ахборот воситаларига муносабатини тўғри шакллантириш, интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини юксалтириш, замонавий билим ва малакага эга бўлишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аммо, интернет, жумладан, ижтимоий тармоқ ҳақида гап кетганда, WhatsApp, Telegram, Instagram, Viber, Facebook кабиларнинг фойдаланувчилари ўзбек адабий тили меъёрларига эътибор қилмай, сўзларни нотўғри ёзишни «урф»га айлантиришган. Илк бор мактабга чиққанимизда биринчи устозимиз қўлимизга рунка тутқазиб, тўғри ёзишни ўргатган бўлса-ю, нега энди биз бунга амал қилмаслигимиз керак? Кўча тилидан кўра, адабий тил меъёрларидан ўрнида фойдалансак, яхшиямасми?.. Тўғри, бу озгина ақл ишлатиш, меҳнатни талаб қилади. Аммо меҳнатсиз, ўрганиш-



Қадрингни ерга урма, ойқиз!

Халқимиз азалдан ор-номус, ҳаё-андиша каби қадрни баланд туйғуларни улуглаган. Бироқ ёшлар орасида глобаллашув таъсирида четдан кириб келаётган бизга ёт маданиятга кўр-кўрона эргашиш, тақдир қилиш ҳоллари кузатилмоқда.

Шу ўринда нозик-нихол, ҳаёси ўзиданда улуг бўлган ойсулув қизларимиз ҳақида сўз юритсак. Спорт, санъат, кўйингки, жамиятнинг барча соҳасида муваффақиятга эришаётган, йигитлар билан баб-баравар қадам ташлаётган қизларимиз бисёр.

Уларнинг ютуқларини кўриб, ҳавасимиз келади. Ҳуқуматимиз томонидан ёшларга яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга эришиш, олтинга тенг вақтларини унумли сарф этишаётганини кўриб қувонсан киши.

Аммо, танганинг икки томони бўлганидек, эртанги ҳаёти ҳақида фикр юритмайди, бекорчи нарсаларга машғул «дугонажон»лар ҳам йўқ эмас. Тан олайлик, ҳозир исталган ижтимоий тармоқни кузатиб, уларда йигитлар билан тенгма-тенг «фаоллик кўрсатаётган» қизларни учратаемиз.

Интернетда турли хил видео ва суратлар тарқалиб, оммалашиб бормоқда. Баъзида қизларнинг одам айтишга истиҳоло қиладиган жойларда ҳам ўзини суратга олиши, интернетдаги профилларига жойлаштириб, кўз-кўз қилишига гувох бўламиз. Бундан кўзланган мақсад нима? Рекламами ёки шунчаки ҳавасмандлик?..

Ёмони, тармоқларда муҳокама этилаётган турли порнографик, агрессив, зўравонлик-

Моҳинур УМАРЖОНОВА, Наманган


Кичик сўровнома

сиз эртанги кунни тасаввур қилиш мумкинми?

Ёшлар орасида шу масала юзасидан сўров ўтказишга ҳаракат қилиб кўрдим ва қуйидаги хулосалар юзга чиқди. Унда иштирок этган талабаларнинг 80 фоизи ёши қулайлиги ва қандай гапирса, шундай ёзишга ўрганиб қолганини айтишди. Айримлар эса вақтни тежаши ҳақида натижада:

«blmadm», «sunmadm», «hc nma», «topomadm», «omadm» каби «янги» сўзлар пайдо бўлаётти. Бу эса келажакда ўзбек адабий тили меъёрлари, унга амал қилишни хавф остига қўймоқда, назаримда. Кўпинча ота-она боласини нотўғри гапирса, танбех беради. Келинг, фарзандларимизнинг нафақат нутқида, балки ёзув қоидаларига амал қилишига ҳам бироз эътиборли бўлайлик.

Ирода ВАЛИЖОНОВА, Наманган



ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!

«ОҚТОШ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини ҳамда мамлакатимиз аҳолисини кириб келаётган Янги — 2017 йил билан самимий муборакбод этади.



Халқ фаровонлиги, торлоқ келажагимизни таъминлаш учун хизмат қилаётган ҳаётдорларимизга мустақам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, яратувчанлик ишларида зафарлар ҳақида ёр бўлсин.

Янги йил барча хонадонларга файз-барака, қувонч, омад олиб келсин.

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Соҳамиз ишги-ходимларини, татлакатимиз аҳолисини кириб келаётган Янги — 2017 йил билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчамизга янгидан-янги зафарлар, қувонч, омад ва бахт келтирсин. Осмонмиз ҳамиша мусаффо, ҳаётимиз янада нурафшон бўлсин.



**ЯНГИ ИШЛИГИЗ БИЛАН,
АЗИЗ-ЮРТДОШЛАР!**

«ЗОМИН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ


Соҳа ишги-ходимларини ва барга юртдошларимизни эқитлашиб келаётган Янги — 2017 йил билан муборакбод этади. Озод ва обод юртимизга кўз тегмасин!

Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга файзу тароват, кўнгилларга қувонч ва шодлик олиб келсин.



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Юртдошларимиз ва соҳа ходимларини кириб келаётган Янги — 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан самимий муборакбод этади.



Ўзаал ва бетакрор Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, иқтисодийтимиз салоҳиятини юксалтириш, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган шарафли ҳамда масъулиятли ишларингизда зафарлар тилайди.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan foydalanishi mumkin.

HUUDDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov

Navbatchi:

A.Arslonov

Musahhirlar:

S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abduljalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:00

Topshirildi — 21:40

1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va saqlanadi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Buyurtma T — 1215.

13560 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Tahririyat hisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001,

ATMB «Ipoteka bank» Yashobod filiali, bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKNIX: 87100